

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОЛЛАБЕРГАНОВ МАРДОН ИСМАИЛОВИЧ

РЕЗЕКЦИЯДАН КЕЙИНГИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ОСТЕОПОРОЗДА
СУЯК ТЎҚИМАСИНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРИ
ВА УНИ «КАЛЬЦИЙ-Д₃ НИКОМЕД» ПРЕПАРАТИ БИЛАН
КОРРЕКЦИЯЛАШ

14.00.02-Морфология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Оллаберганов Мардон Исмаилович

Резекциядан кейинги экспериментал остеопорозда суяк
тўқимасининг морфофункционал ўзгаришлари ва уни
«Кальций-Д₃ Никомед» препарати билан коррекциялаш..... 3

Оллаберганов Мардон Исмаилович

Пострезекционные морфофункциональные нарушения костной
ткани при экспериментальном остеопорозе и его коррекция
препаратом «Кальций-Д₃ Никомед» 23

Ollaberganov Mardon Ismailovich

Morphofunctional changes in bone tissue in experimental
osteoporosis after resection and its correction with the drug
«Calcium-D₃ Nikomed» 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОЛЛАБЕРГАНОВ МАРДОН ИСМАИЛОВИЧ

РЕЗЕКЦИЯДАН КЕЙИНГИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ОСТЕОПОРОЗДА
СУЯК ТЎҚИМАСИНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРИ
ВА УНИ «КАЛЬЦИЙ-Д₃ НИКОМЕД» ПРЕПАРАТИ БИЛАН
КОРРЕКЦИЯЛАШ

14.00.02-Морфология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib834 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рузибаев Рашид Юсупович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Орипов Фирдавс Суръатович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Рахматова Муқаддас Холтаевна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кунлари тарқатилди.

(2022 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда остеопороз ноинфекцион касалликлар орасида юрак қон-томир касалликлари, онкологик патологиялар ва қандли диабетдан кейинги тўртинчи ўринни эгаллайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «...Суякларнинг синиши, айниқса сон суягининг бўйин қисмидан синиши остеопорознинг оғир асоратларидан бири ҳисобланади...»¹. Ер юзи аҳолисининг ўртача 6-15% қисми ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг яра касаллигидан азият чекиб келмоқда. Яра касаллиги узоқ вақт давом қилганда бирламчи остеопороз келиб чиқади. Яра касаллиги Ғарбий Европа, Япония ва АҚШ да тўлиқ консерватив усулда даволанмоқда. Ўзбекистон ва бошқа МДХ мамлакатларида эса яра касаллигининг асоратлари ҳозирги кунда ҳам жарроҳлик йўли билан даволанмоқда. Уни жарроҳлик усули билан даволашдан кейин эса кўпинча иккиламчи остеопорозга айланишига олиб келади. Шу сабабли экспериментал шароитда Бильрот-II усули билан ошқозон резекциясидан кейин суяк тўқимасидаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш ва ошқозонда ўтказилган жарроҳлик амалиётларидан кейин келиб чиқадиган остеопеник ўзгаришларни олдини олиш фундаментал тиббиётнинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ошқозон-ичак йўли касалликларидан кейин келиб чиқадиган иккиламчи остеопорозни олдини олиш ва ўз вақтида эрта ташхислашни такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги ва унинг асоратларини жарроҳлик усули билан даволашдан кейинги иккиламчи остеопороз туфайли суякларнинг синиши ва унинг оқибатида беморларни ногиронликка ҳамда ўлимга олиб келувчи асосий сабабларини аниқлаш, остеопорознинг тажрибавий моделларини яратиш, унинг оқибатида суяк тўқимасида келиб чиқадиган морфофункционал ўзгаришларни ва касалликни ривожланиши негизида ётувчи механизмларни аниқлаш, суяк тўқимаси минерал зичлигининг пасайишини ва унинг асоратларини эрта ташхислаш, уларни олдини олиш ҳамда даволаш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, остеопороз оқибатида юзага келадиган суяклар синишларининг турли шаклларини морфологик ва морфометрик ташхислашни такомиллаштиришга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишларига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий санитария

¹ Остеопороз. Диагностика и лечение / под ред. Дэйла В. Стоувэлла : пер.с англ. ; под ред. О.М. Лесняк. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2015. – 288 с.

хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, ошқозон резекциясидан кейин келиб чиқадиган остеопороз касаллигини олдини олиш, уни эрта аниқлаш ва даволаш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро тадқиқотчилар маълумотларига кўра, остеопороз касаллиги бутун жаҳонда умуртқа суяклари ва сон суяги бўйин қисмидан синишларидан кейин келиб чиқадиган ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабабчиси бўлиб, соғлиқни сақлаш соҳасида ортиқча молиявий муаммо туғдирмоқда. Сон суяги бўйин қисмидан сингандан кейин беморларнинг ўртача 20% қисми касалликнинг биринчи йилида вафот этишади, 50% дан кўпроқ қисми эса ногирон бўлиб қолишади (В.Дэйл, 2015). Остеопороз профилактикаси ва уни даволаш дастурининг асосини ташкил этувчи кальций тузлари ва D витамини бошқа дори воситаларига қараганда кўпроқ самарали ҳисобланади (А.Н.Беловол, И.И.Князькова, А.И.Цыганков, 2015). Хорижлик олимлар томонидан Ошқозон резекциясидан кейин мальабсорбция, тана вазнининг камайиши, ҳар хил турдаги анемиялар, гипокальциемия ва суяк тўқимасининг деминерализацияси каби кўплаб синдромлар кузатилиши мумкинлиги исботланган (Seymour Katz, Stuart Weirnerman, 2010). Ичак патологиялари туфайли ингичка ичак резекция қилинганидан кейин ёки ичакларга анастомоз қўйилганидан кейин кальций ва D витамини сўрилишининг бузилиши кўрсатилган (К.Оуама et al., 2018). Ошқозон резекциясидан кейин бир нечта омиллар: гастродуоденал соҳанинг анатомик тузилишини ўзгариши, ич кетиши, гипоацид ҳолатлар оқибатида кальцийни ўзлаштирилишининг қийинлашиши, D витамини ва унинг метаболитлари сўрилишининг бузилиши, иккиламчи гиперпаратиреоидизм ва бошқа

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони.

Ўзгаришлар остеопеник синдром ривожланишига олиб келиши кўрсатилган (Н.Р.Ҳанг, 2020). Экспериментал шароитда овариоэктомиа, кастрация (В.В.Поворознюк, 2002), гипокинезия ва гиподинамия, тиреоидин, ПТГ, глюкокортикоид гормонларни юқори дозада киритиш орқали остеопороз модели яратилган (Ю.В.Ларцев ва ҳаммуал., 2015). Экспериментал шароитда ошқозонни Бильрот-II усулида резекция қилиш орқали остеопороз модели яратилмаган.

Ўзбекистонда сурункали гастрит ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигида остеопорознинг клиник характеристикаси ва даволаш усулларини ўрганиш, юқори ва пастки мучалларни иммобилизация қилиш орқали экспериментал остеопороз модели яратишга қаратилган қатор тадқиқотлар олиб борилган (А.Т.Холтураев, 2010; С.У.Асилова ва ҳаммуал., 2014), бироқ ошқозон резекциясидан кейин остеопороз келиб чиқиши ва уни коррекция қилиш, узун найсимон суяклардаги остеоморфометрик ва гистоморфологик ўзгаришлар, ошқозон Бильрот-II усулида резекция қилинганидан кейин остеопороз ривожланиши, уни коррекция қилиш усуллари ва кальций сақловчи дори воситаларининг самарадорлиги етарлича ўрганилмаган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигини консерватив ва жарроҳлик йўли билан даволагандан кейин келиб чиқиши мумкин бўлган остеопорозни даволаш чораларини белгилашда аниқ кўрсатмалар, уни олдини олишга қаратилган усулларни баҳолашга доир қўлланмаларни ишлаб чиқиш, жумладан, меъда-ичак йўли касалликларида остеопорозни даволашда самарали дори воситасини танлашга йўналтирилган тадқиқотлар зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» (2018-2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади экспериментал шароитда каламушларнинг ошқозони Бильрот-II жарроҳлик усули билан резекция қилинганидан кейин суяк тўқимасидаги ўзгаришларни баҳолаш ва уни коррекциялашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

экспериментал шароитда моделлаштирилган остеопороздан кейин каламушларнинг елка суяги, сон суяги, катта болдир суяги ва ошқозон девори тўқималарининг морфометрик ва гистоморфологик ўзгаришларини баҳолаш;

экспериментал шароитда моделлаштирилган остеопороздан кейин қон зардободаги кальций, фосфор, магний ва ишқорий фосфатаза миқдорларини баҳолаш;

ошқозонда ўтказилган жарроҳлик амалиётларидан кейин келиб чиқадиган остеопеник ўзгаришларни олдини олиш мақсадида кальций сақловчи «Кальций глюконат» дори воситасидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;

ошқозонда ўтказилган жарроҳлик амалиётларидан кейин келиб чиқадиган остеопеник ўзгаришларни олдини олиш мақсадида кальций сақловчи «Кальций-Д₃ Никомед» дори воситасидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида зотдор бўлмаган, жинсий жиҳатдан етилган, тана оғирлиги 170-200 грамм атрофида бўлган 112 та эркак оқ каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида интакт каламушлар ҳамда Бильрот-II усули билан ошқозони резекция қилинган каламушларнинг елка суяги, сон суяги, катта болдир суяги, ошқозони ҳамда қон зардободаги кальций, фосфор, магний ва ишқорий фосфатаза миқдорлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тажриба каламушларида ошқозон резекциясининг суяк тўқимасига таъсирини баҳолашда морфометрик, морфологик, остеометрик, биокимёвий, клиник ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тажриба шароитида ошқозон резекциясидан кейин 30-60-90 кунли остеопороз моделида гастродуоденал соҳадаги анатомик ўзгаришлар таъсирида моддалар алмашинувининг биокимёвий жараёнлари бузилиши натижасида каламушлар тана оғирлигининг меъёрдан кескин камайиши исботланган;

тажриба шароитида ошқозон резекциясидан кейин кальций ва фосфорнинг сўрилиши бузилиши оқибатида каламушларнинг қонида уларнинг миқдори камайиши натижасидаги ишқорий фосфатаза миқдоринининг кескин ошиши ва суяк тўқимасининг резорбцияланиши остеопороз ривожланишининг асоси эканлиги аниқланган;

тажриба шароитида ошқозон резекциясидан кейин узун найсимон суякларнинг остеометрик ўлчами ва остеобластлар миқдорининг камайиши, остеокластлар миқдорининг ошиши, бирламчи остеонларнинг иккиламчи остеонларга айланиш жараёнлари секинлашиши, турли даражадаги кальцификацияланиш жараёнларининг мозаик жойлашиши, резорбцион бўшлиқлар кузатилиши туфайли остеопороз ривожланиши исботланган;

ошқозон резекциясидан кейин «Кальций глюконат»га нисбатан «Кальций-Д₃ Никомед» дори воситасидан фойдаланиш суяклар минерал зичлиги пасайишининг олдини олишга кучлироқ таъсир қилиши ва тиббий реабилитация самарадорлигини ошириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигида ва унинг асоратларини Бильрот-II усулида даволагандан кейин иккиламчи остеопороз келиб чиқиши ҳамда суякларнинг остеопоротик синиш хавфи юқори бўлиши аниқланган;

экспериментал шароитда каламушларда Бильрот-II усулида ошқозонни резекция қилиш жарроҳлик амалиётидан кейин суяк тўқимаси минерал зичлигининг пасайиши кузатилган;

экспериментал шароитда каламушларда ошқозон резекциясидан кейин остеопороз келиб чиқишида суякларнинг морфометрик кўрсаткичлари ва морфологик ҳолати ҳамда қондаги биокимёвий ўзгаришларга олиб келиши аниқланган;

суяк тўқимасининг минерал зичлигини меъёрида сақлаб туриш ёки уни ошириш мақсадида кальций ва Д₃ витаминини сақловчи «Кальций-Д₃ Никомед» дори воситасидан узоқ муддат давомида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги патогенетик жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, гистокимёвий ва статистик текширув усуллари асосида экспериментал остеопорозда суякларнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришини ҳамда қондаги биокимёвий ўзгаришларни баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экспериментал шароитда каламушларнинг ошқозони Бильрот-II усули билан резекция қилинганидан кейин остеопороз келиб чиқиши, ошқозон деворлари ва узун найсимон суяклардаги морфометрик ва гистоморфологик ўзгаришлар, минераллар алмашинувининг ҳолати ҳақидаги маълумотлар асосида жарроҳ, травматолог ва ортопед врачлар учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти узун найсимон суякларнинг материалларидан фойдаланиб, ошқозонни Бильрот-II усулида резекциясидан кейин узун найсимон суяклардаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар асосида организмнинг таянч-ҳаракат тизимининг морфофункционал ҳолатини ретроспектив ва перспектив баҳолаш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экспериментал шароитда каламушларнинг ошқозони Бильрот-II жарроҳлик усули билан резекция қилинганидан кейин суяк тўқимасидаги ўзгаришларни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

экспериментал шароитда Бильрот-II усулида ошқозон резекциясидан кейинги остеопороз ва уни «Кальций-Д3 Никомед» дори воситаси билан коррекциялаш, узун найсимон суякларнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини баҳолаш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Постгастрорезекцион остеопороз ва уни даволаш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 25 февралдаги 8н-з/104-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ошқозон резекциясидан кейинги кечки даврда иккиламчи остеопороз келиб чиқиши, узун найсимон суяклардаги морфологик ва морфометрик ўзгаришларни ташхислаш, касалликни олдини олиш имконини берган;

ошқозон резекциясидан кейинги остеопорозда қон зардобадаги биокимёвий ўзгаришларни, узун найсимон суякларнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Урганч шаҳар 3-сон шаҳар оилавий поликлиникаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 6 июлдаги 08-19617-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ошқозон резекциясидан кейинги кечки даврда иккиламчи остеопороз туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган суякларнинг синишларини олдини олиш ҳамда унинг оқибатидаги ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва бу масалада тадқиқотларнинг зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган

натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, тадқиқот натижалари нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигида ва ошқозон резекциясидан кейин суяк тўқимасининг минерал зичлигида бўладиган ўзгаришларнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида остеопороз ташхисоти, ошқозон резекциясининг суяк тўқимасига таъсири, ошқозон – ичак тракти касалликларида суяк тўқимасида кузатиладиган ўзгаришлар, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигини даволаш усуллари ва асоратлари, остеопорознинг олдини олиш ва остеопорозни экспериментал моделлаштиришдан кейинги даволаш самарадорлигини оширишнинг замонавий илмий манбалардаги маълумотларнинг шарҳи келтирилган ҳамда муаммонинг ечимини топишнинг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Ошқозон резекциясидан кейинги тажрибавий остеопорозда суяк тўқимасининг морфофункционал ўзгаришлари ва уни «Кальций-Д₃-Никомед» дори воситаси билан коррекциялаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тажрибанинг умумий тавсифи, каламушларнинг ошқозонини Бильрот-II усулида резекция қилиш техникаси, клиник-биокимёвий таҳлилларни ўтказиш, ошқозон девори ва узун найсимон суякларда морфометрик ва морфологик тадқиқотларни ўтказиш техникалари, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили тўғрисидаги маълумотлар ёритиб берилган.

Гастроудоденал соҳада амалга оширилган жарроҳлик амалиётига ва бу амалиётдан кейин «Кальций глюконат» ҳамда «Кальций-Д₃-Никомед» дори воситаларидан фойдаланилишига қараб тажриба ҳайвонлари 4 та гуруҳга бўлинган. Биринчи (I), иккинчи (II), учинчи (III) ва тўртинчи (IV) тажриба гуруҳларига ажратилган.

Тажриба учун зотдор бўлмаган, жинсий жиҳатдан етилган, тана оғирлиги 170-200 грамм атрофида бўлган 125 та эркак жинсли оқ каламушлар танлаб олинди. Назорат гуруҳи учун 20 та ва қолган учта гуруҳ учун 35 тадан каламушлар ажратиб олинди. Тажриба ўтказилганидан кейинги 1-7 кунларда наркоз ва жарроҳлик амалиёти таъсирида 13 та каламуш нобуд бўлди ҳамда тажрибанинг якунида каламушларнинг сони жами 112 тани ташкил қилди.

Биринчи (I) гуруҳ 20 та амалий соғлом бўлган каламушлардан ташкил топган назорат гуруҳи бўлиб, ушбу тажриба ҳайвонларида жарроҳлик амалиётлари ўтказилмади.

Иккинчи (II) гуруҳ ошқозони Бильрот – II усулида резекция қилинган 29 та каламушдан иборат бўлди.

Учинчи (III) гуруҳ 32 та каламушдан иборат бўлди. Тажриба ҳайвонларининг ошқозони Бильрот – II усулида резекция қилинди ва уч ой

давомида бир кунда икки маҳал, яъни ҳар 12 соатдан «Кальций глюконат» дори воситаси кальцийнинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда кунига 1,25 мг/100 грамм миқдорида оғиз орқали юборилди.

Тўртинчи (IV) гуруҳ 31 та каламушдан иборат бўлди. Уларнинг ошқозони Бильрот – II усулида резекция қилинди ва уч ой давомида бир кунда икки маҳал, яъни ҳар 12 соатдан «Кальций-Д₃ Никомед» дори воситаси кальцийнинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда кунига 1,25 мг/100 грамм миқдорида оғиз орқали юборилди.

I ва II гуруҳдаги каламушларга уч ой давомида 0,5 мл дистилланган сув 1 кунда 2 маҳал, яъни ҳар 12 соатдан оғиз орқали юборилган.

Тадқиқотни амалга ошириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилган: каламушларнинг қон зардоби таркибидаги кальций, фосфор, магний ва ишқорий фосфатаза миқдорларининг клиник-лаборатор маълумотларини таҳлил қилиш;

елка суяги, сон суяги, катта болдир суяқларини остеоморфометрик ўлчамларини таҳлил қилиш;

сон суяги ва ошқозон девори тўқималаридан гематоксилин-эозин ва Ван-гизон усулларида бўяш орқали микропрепаратлар тайёрланган ҳамда уларнинг гистологик тузилиши, морфофункционал майдонларининг нисбий ўлчамлари морфометрия усулида ҳисобланган.

Тадқиқотда олинган маълумотларга Pentium-IV персонал компютерида Microsoft Office Excel-2007 дастурий тўплами ёрдамида статистик ишловнинг ўрнатилган функцияларидан фойдаланган ҳолда статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг «**Тажриба ҳайвонларининг ошқозонида ўтказилган Бильрот-II жарроҳлик амалиётини минераллар алмашинувига таъсири ва ошқозоннинг морфофункционал ҳолатини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида 4 та гуруҳдаги тажриба ҳайвонларининг тана оғирлигини динамикадаги ҳолати, қон зардобидаги кальций, фосфор, магний, ишқорий фосфатаза миқдори, ошқозоннинг морфофункционал ҳолати тўғрисидаги тадқиқот натижалари баён қилинган. Тажриба ҳайвонларининг оғирлиги тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда кўрсатилган (1-жадвалга қаранг).

Ошқозонда ўтказилган Бильрот-II усулидаги резекциядан кейин гастродуоденал соҳадаги анатомик ўзгаришлар натижасида овқат ҳазм қилиш тизимида сезиларли ўзгаришлар келиб чиқиши ва бу тана вазнининг камайиши кўринишида намоён бўлиши тўғрисидаги адабиётларда келтирилган маълумотлар исботланган.

Тажрибанинг иккинчи босқичи тажриба якунида 4 та гуруҳдаги тажриба ҳайвонларининг қон зардобидаги минераллар алмашинуви, яъни кальций, фосфор, магний ҳамда ишқорий фосфатаза миқдорини биокимёвий таҳлил асосида ўрганилди.

Назорат гуруҳидаги тажриба ҳайвонларида кальций миқдори $2,45 \pm 0,13$ ммоль/л ни ташкил қилган, II-гуруҳдаги тажриба ҳайвонларида 6,1% ($p < 0,001$), III ва IV-гуруҳларда 2,0% ва 1,6% кам кўрсаткични намоён қилган.

Назорат гуруҳидаги тажриба ҳайвонларида фосфор миқдори $1,2 \pm 0,21$ ммоль/л дан иборат бўлган ва бу кўрсаткич II-гуруҳда 8,3% ($p < 0,05$), III-гуруҳда 8,3% ($p < 0,01$) ва IV-гуруҳда 4,2% кам эканлиги, лекин IV-гуруҳда ишончлилик жиҳатидан фарқ қилмаслиги кузатилган. Магний миқдори назорат гуруҳидаги тажриба ҳайвонларида $0,98 \pm 0,7$ ммоль/л ни ташкил қилган, II-гуруҳда 27,6% ($p < 0,001$), III-гуруҳда 26,5% ($p < 0,001$) ва IV-гуруҳда 3,1% кам эканлиги, лекин IV-гуруҳда ишончлилик жиҳатидан фарқ қилмаслиги кузатилган. Ишқорий фосфатаза (ИФ) миқдори назорат гуруҳидаги тажриба ҳайвонларида $140,0 \pm 13,1$ ШБ/л бўлган ва бу кўрсаткич II-гуруҳда 20,1% ($p < 0,001$), III-гуруҳда 10,9% ($p < 0,01$) ва IV-гуруҳда 1,0% ($p < 0,05$) ошганлиги аниқланган. Ушбу маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, назорат гуруҳига нисбатан тажриба ўтказилган гуруҳларда кальций, фосфор, магний миқдорлари нисбатан камайганлиги кузатилди.

1-жадвал

Тажриба ҳайвонларининг оғирлиги тўғрисида маълумот (грамм) ($M \pm m$)

Муддат	Гуруҳ			
	I гуруҳ (n=20)	II гуруҳ (n=29)	III гуруҳ (n=32)	IV гуруҳ (n=31)
ТБО	$174,80 \pm 3,62$	$181,83 \pm 2,90$	$182,63 \pm 2,48$	$182,02 \pm 2,72$
30-кун	$202,00 \pm 4,20$	$197,41 \pm 2,58^{**}$	$198,03 \pm 2,27^{***}$	$197,68 \pm 4,20^{**}$
60-кун	$212,60 \pm 4,88$	$205,41 \pm 3,03^{**}$	$207,72 \pm 2,31^{***}$	$208,23 \pm 2,61^{***}$
90-кун	$228,00 \pm 4,86$	$217,21 \pm 2,93^{**}$	$219,22 \pm 1,82^{***}$	$221,52 \pm 1,96^{***}$

Изоҳ: маълумотларнинг назорат гуруҳига нисбатан ишончлилиги * – $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$, *** – $p < 0,001$.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, кальций-фосфор миқдори қонда ўзгармас константа ҳисобланади. Ошқозон резекциясидан кейин кальций ва фосфорнинг сўрилиши бузилади ҳамда оқибатда қонда уларнинг миқдори камаяди. Бунинг натижасида организмда гомеостазни таъминлаш мақсадида ПТГ секрецияси кучаяди. ПТГ таъсирида суяк тўқимасида остеокластларнинг фаоллиги ошиб кетади ва кальций, фосфор минераллари қонга реабсорбцияланади. Ушбу омиллар сабабли иккиламчи остеопороз келиб чиқади.

Қон зардоби таркибидаги ИФ суяк тўқимасининг резорбциясини кўрсатувчи маркерлардан бири ҳисобланади. Ошқозони Бильрот-II усулида резекция қилинган II-гуруҳдаги тажриба ҳайвонларида ИФ миқдори назорат гуруҳига нисбатан 20,1% ($p < 0,001$), энг юқори меъёрий кўрсаткичга нисбатан эса 4,5% ошганлиги кузатилди. Тажриба ўтказилган III-гуруҳдаги тажриба ҳайвонларида ИФ миқдори назорат гуруҳига нисбатан 10,9% ($p < 0,01$) ошганлиги, IV-гуруҳдаги тажриба ҳайвонларида ИФ миқдори назорат гуруҳига нисбатан деярли фарқ қилмаслиги, яъни 1,0% ($p < 0,05$) ошганлиги аниқланди. Ушбу маълумотлар асосида шуни таъкидлаш лозимки, тажриба

шароитида ошқозони Бильрот-II усулида резекция қилинган II-гурухдаги тажриба ҳайвонларида иккиламчи остеопороз ҳолати ривожланди. Бильрот-II усулида ошқозон резекциясидан кейин «Кальций глюконат» ва «Кальций-Д₃ Никомед» дори воситаси берилган тажриба ҳайвонларининг минераллар алмашинуви таҳлилига асосан, постгастрорезекцион остеопорознинг олдини олиш учун «Кальций-Д₃ Никомед» дори воситаси самаралироқ эканлиги исботланди.

Тажрибанинг учинчи босқичи тажриба якунида тажриба ҳайвонлари декапитация қилинганидан кейин ошқозон деворининг морфометрик ва гистоморфологик маълумотларини таҳлил қилишдан иборат бўлди.

Назорат гуруҳидаги тажриба ҳайвонларининг ошқозон деворида ўрганилаётган параметрлар бўйича кўрсаткичлар меъёрида эканлиги кузатилди. Назорат гуруҳидаги тажриба ҳайвонларининг ошқозон девори шиллик қаватининг қалинлиги $557,2 \pm 5,38$ мкм ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич қолган гуруҳларда ўртача 18% кам бўлди ($p < 0,001$).

Шиллик ости қаватининг қалинлиги назорат гуруҳида $71,7 \pm 2,41$ мкм дан иборат бўлди. Бу кўрсаткич II-гурухда 9% ($p < 0,001$), III-гурухда 7% ($p < 0,001$), IV-гурухда 8,2% кам эканлиги намоён бўлди ($p < 0,001$).

Мушак қаватининг қалинлиги бўйича ҳам назорат гуруҳига нисбатан сезиларли фарқ кузатилди. Бунда назорат гуруҳида мушак қаватининг қалинлиги $573,3 \pm 4,09$ мкм ва қолган гуруҳларда ўртача 15% кам натижа кузатилди ($p < 0,001$).

Сероз қаватининг қалинлиги назорат гуруҳида $21,4 \pm 2,60$ мкм дан иборат бўлди. Бу кўрсаткич II-гурухда 9,3% ($p < 0,001$), III-гурухда 8,9% ($p < 0,001$) ва IV-гурухда 7,0% кам бўлди ($p < 0,001$).

Шиллик ости – шиллик қавати индекси назорат гуруҳига нисбатан тажриба ўтказилган гуруҳларда ўсиши кузатилиб, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич $0,130 \pm 0,004$ ШБ ни ташкил қилган бўлса, қолган гуруҳларда мос равишда 9,1%, 10,3% ва 9,7% кўпайганлиги аниқланди. Ҳар бир гуруҳда ишончлилиқ $p < 0,001$ ни ташкил қилди.

Шиллик ости – мушак қавати индекси ҳам эксперимент ўтказилган гуруҳларда ошганлиги кузатилди. Назорат гуруҳида бу кўрсаткич $0,125 \pm 0,004$ ШБ дан иборат бўлди. Ушбу кўрсаткич қолган гуруҳларда ўртача 8% ошганлиги намоён бўлди ($p < 0,001$).

Назорат гуруҳидаги тажриба ҳайвонларида эпителиоцитларнинг нисбий зичлиги $0,087 \pm 0,003\%$ ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич II-гурухда 2,3% ($p < 0,05$), III-гурухда 2,8% ($p < 0,01$) ва IV-гурухда 2,5% ($p < 0,05$) кўпайганлиги кузатилди.


Ошқозон деворидаги капиллярларнинг нисбий зичлиги назорат гуруҳида $0,0025 \pm 0,00007\%$ ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич II-гурухда 16% ($p < 0,001$), III-гурухда 2,8% ($p < 0,001$) ва IV-гурухда 5% ($p < 0,01$) камайганлиги кузатилди.

Эпителиоцитларнинг узунлиги назорат гуруҳида $25,4 \pm 1,5$ мкм дан иборат бўлди ва қолган гуруҳларда ўртача 13% ($p < 0,001$) кам натижа кузатилди.


Тажриба ўтказилган гуруҳларда ошқозон шиллиқ қаватидаги шикастланган эпителиоцитларнинг нисбий ҳажми назорат гуруҳига нисбатан кескин фарқ қилди ва жуда юқори кўрсаткичлар кузатилди. Бунда назорат гуруҳидаги тажриба ҳайвонларининг ошқозон деворида шикастланган эпителиоцитларнинг нисбий ҳажми $1,7 \pm 0,19\%$ бўлса, тажриба ўтказилган гуруҳларда бу кўрсаткич ўртача 16 марта кўп ($p < 0,001$) натижани кўрсатди.

Ёруғлик-оптик микроскопи ёрдамида гистоморфологик текшириш давомида тажриба ўтказилган тажриба ҳайвонларининг ошқозон деворидан тайёрланган микропрепаратларни морфологик ҳолатини ўрганиш давомида ошқозон шиллиқ қаватида баъзи жойларида ошқозон шиллиқ қавати тузилишининг бузилиш ўчоқлари ва эпителий хужайраларининг десквамацияси аниқланди (1-расмга қаранг).

Шу билан бирга, эпителий хужайраларининг гидропик дистрофияси ва стромада ҳар хил даражадаги шишларнинг ривожланганлиги аниқланди (2-расмга қаранг).



1-расм. Ошқозон шиллиқ қавати юзасидаги мукоцитларнинг кўплаб десквамацияга учраганидан кейинги тартибсиз текстуралӣ кўриниши, шиллиқ қаватининг крипталари ҳар хил кенгликда бўлиб, шикастланган ўчоқлар аниқланади, МАЛТ- структура аниқланади. Бўёқ: Г-Э. X: 4X10.



2-расм. Ошқозон шиллиқ қавати, фундал безлари эпителиал хужайраларида ҳар хил даражадаги фокал некроз ўчоқлари, шиллиқ ости қаватларида интерстициал шишлар борлиги. Бўёқ: Ван-Гизон. X: 10X10.

Ошқозон шиллиқ ости қаватида артерия томирлари деворининг қалинлашиши, томир бўшлиғининг торайиши ва деформацияси, перицитлар ва эндотелиоцитларнинг пролиферацияси аниқланди. Периваскуляр соҳа

стромасининг шишганлиги, гистиоцитларда дистрофик ва некробиотик, шунингдек, ўчоқли лейкоцитар ҳужайраларнинг инфильтрацияси аниқланди.

Ошқозоннинг мушак қаватида микроскопик жиҳатдан қуйидаги морфологик ўзгаришлар аниқланди: экстрацеллюляр матриксада гомоген тузилмаларнинг кўпайиши, миоцитларнинг атрофик ва склеротик ўзгарганлиги, кўплаб фибробластларнинг пролифератив фаоллашганлиги, ўчоқли интерстициал бўшлиқлардаги ҳар хил даражадаги шишларнинг ривожланиши аниқланди.

Гастродуоденал соҳадаги анатомик ўзгариш ошқозон деворида атрофик, некробиотик ва деструктив ўзгаришларга олиб келганлиги аниқланди. Бу эса узун найсимон суякларда остеопоротик белгилар ривожланишига олиб келувчи омил бўлиб хизмат қилди.

Диссертациянинг «**Тажриба ҳайвонларининг ошқозонида ўтказилган Бильрот-II жарроҳлик амалиётидан кейин найсимон суякларнинг морфофункционал ҳолатини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида назорат ва тажриба ўтказилган гуруҳлардаги тажриба ҳайвонларининг ошқозонида ўтказилган Бильрот-II жарроҳлик амалиётидан ҳамда «Кальций глюконат» ва «Кальций-Д₃ Никомед» дори воситаларидан фойдаланилгандан кейин елка суяги, сон суяги, катта болдир суягининг морфометрик ва морфологик ҳолати бўйича олиб борилган тадқиқот ишларининг натижалари тақдим қилинган. Тажриба ҳайвонларининг ошқозони Бильрот-II усулида резекция қилинганидан кейин назорат гуруҳига нисбатан уларнинг узун найсимон суяклари оғирлигининг ва ҳар хил қисмлари ўлчамларининг камайганлиги ҳамда бўғим юзасидаги тоғай тўқимасида морфологик ўзгаришлар юзага келганлиги аниқланди.

Тажриба ҳайвонларининг елка суяги, сон суяги ва катта болдир суякларини оғирлиги, узунлиги, проксимал эпифиз қисмининг кенглиги, дистал эпифиз қисмининг кенглиги, диафиз қисми ўртасининг кенглиги, диафиз қисми ўртасининг қалинлиги назорат гуруҳига нисбатан солиштириб кўрилганида қуйидаги натижалар олинди. Елка суягининг оғирлиги назорат гуруҳида $274,24 \pm 1,68$ мг ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич II-гуруҳда 12,4% ($p < 0,001$), III-гуруҳда 11,5% ($p < 0,001$), IV-гуруҳда 11,5% ($p < 0,001$) камайганлиги кузатилди. Елка суягининг узунлиги назорат гуруҳида 22,78 мм бўлиб, II-гуруҳда 13% ($p < 0,001$), III-гуруҳда 11% ($p < 0,001$), IV-гуруҳда 11,8% ($p < 0,001$) камайганлиги аниқланди. Назорат гуруҳи тажриба ҳайвонларида проксимал эпифиз қисмининг кенглиги $4,01 \pm 0,44$ мм, дистал эпифиз қисмининг кенглиги $5,65 \pm 0,35$ мм дан иборат бўлди ва бу кўрсаткичлар мос равишда II-гуруҳда 14% ва 14,5% ($p < 0,001$), III-гуруҳда 13% ва 13% ($p < 0,001$), IV-гуруҳда 13% ва 13% ($p < 0,001$) камайганлиги намоён бўлди. Назорат гуруҳи тажриба ҳайвонларида диафиз қисми ўртасининг кенглиги $2,18 \pm 0,18$ мм, диафиз қисми ўртасининг қалинлиги $2,26 \pm 0,21$ мм бўлди ва мос равишда бу кўрсаткичлар II-гуруҳда 15% ва 14,6%

($p < 0,001$), III-гурӯҳда 13% ва 12,8% ($p < 0,001$), IV-гурӯҳда 13% ва 12,8% ($p < 0,001$) кам натижани кўрсатди.

Назорат гуруҳидаги тажриба ҳайвонларида сон суягининг оғирлиги $498,24 \pm 3,07$ мг, узунлиги $31,79 \pm 0,80$ мм ни ташкил қилди ва бу кўрсаткичлар мос равишда II-гурӯҳда 12% ва 12% ($p < 0,001$), III-гурӯҳда 11% ва 11% ($p < 0,001$), IV-гурӯҳда 10,7% ва 10,7% ($p < 0,001$) кам бўлди. Сон суяги проксимал эпифиз қисмининг кенглиги $6,67 \pm 0,33$ мм, дистал эпифиз қисмининг кенглиги $5,74 \pm 0,27$ мм дан иборат бўлди, бу кўрсаткичлар мос равишда II-гурӯҳда 12,3% ва 13% ($p < 0,001$), III-гурӯҳда 11% ва 11% ($p < 0,001$), IV-гурӯҳда 10,8% ва 10,8% ($p < 0,001$) кам натижа кузатилди. Назорат гуруҳидаги тажриба ҳайвонларининг сон суяги диафиз қисми ўртасининг кенглиги $3,22 \pm 0,20$ мм, диафиз қисми ўртасининг қалинлиги $3,13 \pm 0,15$ мм ни ташкил қилди ва мос равишда II-гурӯҳда 13% ва 13% ($p < 0,001$), III-гурӯҳда 11% ва 11% ($p < 0,001$), IV-гурӯҳда 10,5% ва 10,5% ($p < 0,001$) кам эканлиги аниқланди.

